ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYA MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ VETERINARIYA HÁM SHARWASHÍLÍQTÍ RAWAJLANDÍRÍW KOMITETI

SAMARQAND MÁMLEKETLIK VETERINARIYA MEDICINASÍ, SHARWASHÍLÍQ HÁM BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NÓKIS FILIALI

“ARALBOYÍ AYMAĠÍNDA SHARWASHÍLÍQTA INNOVACION TEXNOLOGIYALAR HÁM RAWAJLANDÍRÍWDÍŃ KELESHEGI”

atamasındaġı Respublikalıq ilimiy-ámeliy konferenciya materiyalları

TOPLAMÍ

25-aprel 2025-jıl

“OROL BO‘YI HUDUDIDA CHORVACHILIKDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR VA RIVOJLANTIRISHNING ISTIQBOLLARI”

mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari

TO‘PLAMI

25-aprel 2025-yil

СБОРНИК материалов

Республиканской научно-практической конференции

“ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЖИВОТНОВОДСТВА В ПРИАРАЛЬЕ”

25 апреля, 2025 г

NÓKIS-2025

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYA MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ VETERINARIYA HÁM SHARWASHÍLÍQTÍ RAWAJLANDÍRÍW KOMITETI

SAMARQAND MÁMLEKETLIK VETERINARIYA MEDICINASÍ, SHARWASHÍLÍQ HÁM BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NÓKIS FILIALI

“ARALBOYÍ AYMAĠÍNDA SHARWASHÍLÍQTA INNOVACION TEXNOLOGIYALAR HÁM RAWAJLANDÍRÍWDÍŃ KELESHEGI”

atamasındaǵı Respublikalıq ilimiy-ámeliy konferenciya materiyalları

TOPLAMÍ

25-aprel 2025-jıl

“OROL BO‘YI HUDUDIDA CHORVACHILIKDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR VA RIVOJLANTIRISHNING ISTIQBOLLARI”

mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari

TO‘PLAMI

25-aprel 2025-yil

СБОРНИК материалов

Республиканской научно-практической конференции

“ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЖИВОТНОВОДСТВА В ПРИАРАЛЬЕ”

25 апреля, 2025 г

NÓKIS-2025

Umuman olganda ko‘pchilik tadqiqotchilar tomonidan aniqlangan qonuniyat, ya’ni embrional rivojlanish davrida sust o‘sgan eksterer o‘lchamlarining o‘sishi postembrional davrda jadallashadi va aksincha, embrional davrida jadal o‘sgan eksterer o‘lchamlari o‘sishining postembrional davrda susayishi kuzatildi.

Shu bilan bir qatorda eksterer o‘lchamlari va ularning dinamikasi bo‘yicha turli etologik tipdagi qo‘ylardan olingan avlodlar ko‘rsatkichlarining bir-biridan ma’lum darajada farqlanishi aniqlanib barcha holatda birinchi etologik tip qo‘ylari avlodlarining statistik ishonchi (P<0,05; 0,001) darajadagi ustunligi qayd etildi.

Qarchigay balandligi bo‘yicha birinchi etologik tip qo‘ylari avlodlarining ustunligi barcha yosh davrlarida aniq ko‘rinishga ega bo‘lib, bunday ustunlik tug‘ilgan paytda 2 va 3-tip qo‘ylariga nisbatan 0,68 va 1,52 santimetrni (P<0,001) tashkil etgani aniqlandi.

Boshqa eksterer o‘lchamlari bo‘yicha ham 1-etologik tip qo‘ylar avlodlarining ustunligi (P<0,001; 0,05) yaxshi rivojlangan avlod olish va ularning mahsuldorligini oshirish uchun ushbu tipdagi qo‘ylar salohiyatidan samarali foydalanish lozimligini taqozo etadi.

Xulosada aytish mumkinki, ona – onalarni juftlashda ularning etologik tiplarini inobatga olish avlodlar eksterer o‘lchamlarini turli yosh davrlarida ijobiy tomonga o‘zgartirish imkonini beradiki, bu mahsuldorlikni oshirishga o‘z ta’sirini ko‘rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Плохинский Н. А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва, 1969, 256 стр.
2. Турганбаев Р. Каракалпакский породный тип каракульских овец окраски сур. Монография. Ташкент, 2012, 164 стр.
3. Urimbetov A. A. Qoraqalpoq sur qo‘ylarininig etologiyasi va mahsuldorligi. Monografiya. Nukus, 2020,11 bet.
4. Xatamov A. X. Adir sharoitida qoraqalpoq sur qorako‘l qo‘ylarining etologiyasi, biologiyasi va mahsuldorligi. Monografiya. Toshkent, 2021, 128 bet.

МАҲАЛИЙ ҚОРАМОЛЛАРНИ ГЎШТ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ГЎШТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ҚОРАМОЛ ЗОТЛИ БУҚАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Х.А.Маматов., А.Нурумбетова., Г.Убайдуллава

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, Нукус филиали

Кириш. Республикамиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда қишлоқ хўжалигини муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш, тўла қийматли озиқлантириш, селекция-наслчилик ишлари, дунёдаги илғор тажрибалар ва замонавий технологиялар

ҳамда илм-фан ютуқларини амалиётга жорий қилиш орқали чорвачиликда иқтисодий самарадорликни ва уларни рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жадал суратлар билан ўсиб бораётган Республикамиз аҳолисини чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва айниқса кейинги пайтларда гўштга бўлган талабнинг ошиши, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни тақоза қилмоқда.

Республикамизда қорамолларнинг гўшт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, ёш ҳайвонларни жадал ўстириш ва меъёр талабларига мувофиқ парваришлашни кенг ташкил этиш муҳимдир. Хориж ва Республикамизнинг бир гуруҳ олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларида, қорамолларнинг ирсий имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш орқали, уларнинг маҳсулдорлигининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини яхшилашда сигирларни жаҳон генофондига эга гўштдор қорамолларни наслдор буқалари билан саноат асосида чатиштириш, улардан ҳудудларни табиий иқлим шароитларига мос келувчи ва маҳсулот ишлаб чиқаришни таминловчи дурагай авлодлар олиш ҳисобига, гўшт ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш энг долзарб вазифалардан биридир.

Тадқиқот натижалар таҳлили. Турли мамлакатлар олимлари ва мутахассислари томонидан юқоридаги масалаларни ўрганишга катта эътибор беришмоқда, жумаладан, қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлигини ошириш мақсадида саноат чатиштириш усулидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги кўпчилик олимларнинг тадқиқот натижалари билан тасдиқланади.

Жумладан, муаллифлар қорамол гўшти ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий усули бу, тежамкор ресурсли технологиялардан самарали фойдаланишдир. Шу сабабли, қорамол гўшти етиштиришнинг фойдали асоси минимал энергия ва ишчи кучи сарф қиладиган энг юқори самарадорликка эга бўлган озуқадан фойдаланишга имкон берадиган технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобланади.

Шунингдек, қорамолчиликда гўшт маҳсулдорлигини оширишда нафақат гўшт йўналишидаги, балки маҳалий ва сут ва сут-гўшт йўналишдаги қорамол зотлари бўйича ҳам саноат асосида чатиштиришни ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бу эса гетерозис ҳодисасидан фойдаланган ҳолда гўштдор қорамоллар подаларини яратиш, дурагай авлодларни маҳсулдорлик сифатини оширишга ёрдам беради ва саноат технологияси шароитида гўшт ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширади.

Саноат асосида чатиштиришнинг авфсалликлардан бири бу, уларнинг ўсиш жадалигини ошириш асосида гўштдор қорамолчиликда юқори самародорликга эришиш ҳисобланади. Олинган дурагай авлодларнинг маҳсулдорлигини ва ўсиш жадаллигини ошириш мақсадида, тез етилувчан гўшт йўналишадаги буқа зотларини маҳалий ва сут ва сут-гўшт йўналишдаги сигирлар билан саноат асосида чатиштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Чорва молларининг гўшт маҳсулдорлиги бу уларни сўйишдан кейинги маҳсулотлар миқдори ва сифати билан белгиланади. Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлигининг шаклланиш даражаси уларнинг ирсий имкониятига (генотипига), ташқи муҳит омилларига, физиологик ҳолатга ва озиқлантиришга (фенотипик) узвий равишда боғлиқ бўлади.

Биз биламизки, саноат усулида чатиштириш, бу чатиштиришнинг бир усули бўлиб, маҳалий ва турли маҳсулдорлик йўналишидаги зотлар билан чатиштириш ҳисобланади, бунда асосан биринчи бўғин (F_1) дурагай авлодларда "гетерозис" самарасидан фойдаланиб, қисқа муддатда юқори тирик вазн ва гўшт маҳсулдорлигини шакллантириш ҳисобланади. Бу борада кўплаб хорижий ва республикамиз олимлари томонидан бир қанча илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, Лукъянов В.Н., Прохоров И.П., Эртуев М.М. (2017) тадқиқотларида, ½ абердун-ангус х ½ симментал ва ½ лимузин х ½ симментал зотлари генотипига эга саноат асосида чатиштиришдан олинган дурагай буқачалар ва соф симментал зотли ёш қорамоллар туғилганда 18 ойлик ёшгача бўлган даврда уларни юқори озиқлантириш шаротида ½ лимузин х ½ симментал зотлари генотипига эга буқачаларнинг 18 ойлик ёшдаги тирик вазни 644,5 кг ни ташкил этиб, соф симментал зотли ва ½ абердин-ангус х ½ симментал дурагай буқачаларга нисбатан 41,3 ва 50,0 кг юқори бўлган, туғилгандан 18 ойлик давомидаги ўртача кунлик ўсиш 1110 грамм бўлиб, тегишли равишда 77 ва 91 граммга юқори бўлган.

Кривопушкин В.В. (2011) тадқиқотларида, абердин-ангус зотли наслли буқалар билан қора-ола зотли сигирларни саноат асосида чатиштиришдан олинган биринчи бўғин дурагай буқачаларнинг тирик вазнига нисбатан соф қора-ола буқачаларнинг тирик вазни туғилганда 1,3 кг юқори бўлган, лекин кейинги 3, 6, 9, 12, 15, 18 ойлик ёшларида дурагай буқачаларнинг тирик вазни соф қора-ола зотли тенгқурларникидан тегишли равишда 6,1; 14,8; 12,3; 15,5; 29,2 ва 42,2 кг га устунлик қилган, шунингдек, кунлик қўшимча вазни ҳам юқори бўлган. Тажриба сўнгида (18 ойлик) сўйишга тайёрлаган биринчи бўғин дурагай буқачаларнинг сўйишдан олдинги тирик вазни 533,7 кг ни ташкил этиб, соф зотли тенгқурларникидан 40,6 кг га, нимта оғирлиги 20,7 кг га, ички ёғ оғирлиги 7,2 кг га юқори бўлган.

В.И.Косилов, С.И.Мироненко, Д.А.Андриенко (2015) тадқиқотларида, Жанубий Урал иқлим шароитларида қизил чўл, қора-ола ва симментал зотларини урчитишда гўшт маҳсулдорлиги бўйича юқори натижалар билан ажралиб турган. Бунда ушбу зотли сигирларни симментал ва қозоқи оқбош ва англер, голштин, герефорд ва лимузин зотли жаҳон генофондига хос наслли буқалардан фойдаланиб, саноат асосида чатиштиришдан олинган биринчи бўғин (F_1) дурагай буқачалар муҳим ижобий натижаларга эришганлар.

Хулоса. Кўплаб хорижий ва республикамиз олимлари томонидан саноат асосида чатиштиришдан олинган дурагай авлодларнинг маҳсулдорлигини оширишда тўла қийматли ва меъёрлаштирилган озуқалар

билан озиқлантириш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаганлар. Маҳалий ва сут ҳамда сут-гўшт йўналишидаги турли сабабларга кўра подадан чиқарилган сигирларни гўшт йўналишидаги қорамол зотли буқалар билан саноат асосида чатиштиришдан олинган авлодларни ирсий имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришда, айниқса, уларни юқори тирик вазнга эга бўлиши, гўшт маҳсулдорлигини шаклланишида ва бошқа селекция белгиларини яхшилашда тўла қийматли ва меъёрлаштирилган озуқалар билан озиқлантириш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Шунингдек, тўла қийматли ва меъёрлаштирилган озуқалар билан озиқлантириш орқали уларнинг қисқа муддатда юқори тирик вазнга ва гўшт маҳсулдорлигини шаклланишига ҳамда бошқа хўжалик фойдали белгиларини тўлиқ юзага чиқаришида катта аҳамиятга эга эканлиги ва бу тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Шундай қилиб, кўплаб хорижий ва республикамиз олимлари томонидан ўтказилган турли йиллардаги илмий тадқиқот натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, маҳалий, сут ва сут-гўшт йўналишидаги қорамол зотларнинг келиб чиқиши ва хўжалик фойдали белгилари ва гўшт йўналишидаги қорамол зотларнинг ирсий имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали маҳалий, сут ва сут-гўшт йўналишидаги сигирлар билан саноат асосида чатиштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қаид қилинганлар.

Маҳалий қорамолларни гўшт маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги илмий тадқиқотлар, жаҳон генофондига хос бўлган гўшт йўналишидаги қорамол зотли наслли буқалардан фойдаланиб, саноат асосида чатиштириш орқали чорвачилик иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатган ва бу эса уларни қисқа муддатда маҳсулдорлик сифатларини оширишга имкон берган ҳамда **“гетерозис”** даражасидан самарали фойдаланиб, юқори сифатли қорамол гўшти ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишнинг муҳим заҳираларидан бири эканлиги исботланган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Прохоров И.П., Пикуль А.Н. Особенности роста и развития скелета туш бычков черно-пестрой породы и ее помесей с абердин-ангусской и шаролезской. //Руссиан Жоурнал жф Агрисултурал анд Сосио-Эсономис Ссиенсес. 2017 г., №10 (70), с. 312-318.

2. Косилов В.И., Мироненко С.И., Андриенко Д.А. Эффективность двух-трёхпородного скрещивания молодняка крупного рогатого скота разных направлений продуктивности в условиях южного Урала. //Известия Оренбургского Государственного аграрного университета. 2015 г., №6 (56), с. 127-130.

3. Шамсутдинов Д.Х., Сагитова Д., Хайруллина Н., Фенченко Н. Интенсивная технология выращивания бычков разных генотипов. //Вестник Уральский Государственный Аграрный Университет. 2008 г., №8 (50), с. 62-64.

4. Дунин И.М., Половинко Л.М., Калашников Н.А., Каюмов Ф.Г., Сиразетдинов Ф.Х. Убойные показатели морфологический химический составы туш бычков нового типа "Вознесеновский" калмыцкой породы скота. //Ж. Вестник мясного скотоводства. 2016 г., №4 (96), с. 35-41.

PARRANDACHILIK OBEKTLARINI LOYIHALASHDA VETERINARIYA-SANITARIYA QOIDALARI.

X.A.Mamatov., G.Bazarbaeva., G.Jumanazarova
Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti, Nukus filiali

Annotatsiya. Maqolada, parrandachilikda veterinariya-sanitariya qoidalari, tuxum sifatini baholashda vazni, shakli tuxumning tashqi ko‘rinishini ko‘zdan kechirishda uning shakli va po‘chog‘ining holatiga ahamiyat berilgan. “Universal-55” va Xitoy “HB-22528” inkubatoriyalari haqida ma’lumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar. Tuxum, inkubatsiya, inkubator, avaskop, ventelyatsiya, murtak.

Kirish. Respublikada parrandachilikni yanada rivojlantirish va har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, sohaga ilg‘or texnologiyalar va innovatsion ishlanmalarni joriy etish, parranda mahsulotlarini qayta ishlashni chuqurlashtirish, ularning turlari va eksport ko‘lamini kengaytirish, raqobatbardosh parranda mahsulotlari ishlab chiqarish orqali aholini yetarli miqdorda parranda mahsulotlari bilan barqaror va maqbul narxlarda ta’minlashdir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 13 noyabrdagi PQ-4015-sonli “Parrandachilikni yanada rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorida keltirilganidek mamlakatimizda parrandachilik sohasini rivojlantirish va eksportga mo‘ljallangan tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish hajmini oshirish va turlarini kengaytirish, shuningdek aholini mahalliy ishlab chiqarilgan sifatli va arzon parrandachilik mahsulotlari bilan ta’minlash bo‘yicha izchil chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Parrandachilik korxonalari yo‘nalishiga ko‘ra tovar (tuxum va go‘sht) va naslchilik xo‘jaliklariga bo‘linadi. Tuxum yo‘nalishidagi parrandachilik fermalarini quvvatini tuxum beradigan tovuqlar bosh soni belgilasa, go‘sht yo‘nalishidagi korxonalardan esa yil davomida go‘shtga boqiladigan yosh tovuqlar soni belgilaydi.

Tovar yo‘nalishidagi xo‘jaliklar 50-100 ming bosh tuxum yo‘nalishidagi tovuqlarga, 750 ming 1,5 mln bosh go‘sht yo‘nalishidagi tovuqlarga mo‘ljallanadi. Kurkalar 25-50-100 ming boshga, o‘rdaklar 125-250-500 ming boshga mo‘ljallanadi. Parrandachilik fabrikalari 300 ming boshdan 10 mln boshgacha va undan ko‘pga mo‘ljallanadi. Naslchilik xo‘jaliklari 50-200 ming bosh, o‘rdaklar uchun 20-50 ming boshga, kurkalar uchun 15-25-50 ming boshga mo‘ljallanadi.

Parrandachilik korxonalarining ishlab chiqarish binolariga - tovuqxonalar,